

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят кенгаши сессияси

ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси, вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

2014 йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, шунингдек, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддати тугайди. Ўзбекистон Конституцияси 117-моддаси 2-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар 2014 йил 21 декабрда ўтказилади.

Асосий Қонун, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси талабларига амал қилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларга тайёргарлик кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланганини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ депутатлар сессияда таклиф этилган номзодларни кўриб чиқиб, раис ҳамда 14 аъзодан иборат вилоят сайлов комиссияси таркибини тасдиқладилар.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказиладиган сайлов округлари сони 60 та қилиб белгиланди. Ушбу округларнинг ҳар бирида овоз берадиган сайловчилар сони ўртача 31,8 минг сайловчидан иборат бўлади. Шунингдек, сессияда энергоресурсларни тежаш мақсадида муқобил энергия манбаларидан янада кенг фойдаланиш, вилоят бюджетининг 2014 йил биринчи ярмидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг айрим депутатлари ваколатларини мuddатидан илгари тўхатиш, вилоят кенгаши ва унинг доимий комиссиялари қарорларининг жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан ба-жарилиши устидан назоратнинг Намунавий тартибини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар муҳокама қилинди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Кулайлик



НАВБАТ – СЕРВИС ВА АВТОДЎКОНГА

Яқинда Чирчиқ шаҳри А. Ясавий номи маҳаллада ишга туширилган "Чирчиқгазсервис" масъулияти чекланган жамиятига қарашли газ қуйиш шаҳобчасининг хизматларидан

аҳоли мамнун бўлаяпти. Кўрсатилаётган хизматлар сифатли ва тезкор. Айниқса, масканнинг замон талабларига мос ҳолда қурилгани ҳуш қиёфасини янада очди.

Қунига минга яқин автомобилга хизмат кўрсатилаётган шаҳобчада тўловлар нақд пул ва пластик карточка орқали қабул қилинади. Жамият муассиси Германиялик Вильгелм Гидт киритган 1,5 миллион АҚШ долларилик сармоя асосида ишга тушган шаҳобчада 35 та иш ўрни яратилди.

– Авваллари газ қуйиш учун

анча узоққа боришга тўғри келарди, – дейди чирчиқлик Ботир Зокиров. – Шаҳримизнинг ўзида шундай шаҳобча очилгани айни муддао бўлди. Бу ерда техник жиҳатдан хавфсиз совутилган газ қуйилади.

Германия ва Жанубий Корея технологиялари билан жиҳозланган шаҳобча шаҳарда ягона.

Биринчи иш кунидан бу ерда машиналарнинг кети узилмаяпти.

Келгусида автомобилларга сервис хизмати ва эҳтиёт қисмлар сотиладиган дўконларни ишга тушириб, яна 15 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.
Даврон АҲМАД олган сурат.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини ташкил этишга оид масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўрта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ошқораликни таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада таракқий этишига хизмат қилади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишдир. 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 16-уйдаги

Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносига жойлаштирилди. Бу ерда журналистларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларини самарали ёритиш борасидаги фаолияти учун барча шарт-шароит яратилган.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан ўтиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz расмий сайти орқали танишиш мумкин. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказиладиган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Йиғилишда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, дастур доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Мажлисида комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

У.А.

ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА



Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасига биноан йиғилишда аъзолар орасидан вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ва комиссия котиби сайланди.

Шунингдек, сайлов кампанияси давомида жойларда қонунчиликка амал қилинишини назорат қилиш ва тегишли ёрдам кўрсатиш мақсадида комиссия аъзолари вилоят шаҳар ва туманларига бириктирилди. Вилоят сайлов комиссиясининг Халқ депутатлари вилоят Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлари тақвим режаси тасдиқланди.

Таъкидлаб ўтилдики, вилоят сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси меъёрлари, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун талаблари, Марказий сайлов комиссиясининг қарор ҳамда тегишли тақвим режасига қатъий риоя этган ҳолда амалга оширади.

Йиғилишда комиссия ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Вилоят сайлов комиссиясининг маънавий: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-уй. Телефон: 195-11-80.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Ислохот

Фуқаро ҳуқуқ ва эркинлиги кафолати

Президентимизнинг ташаббуси билан мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида тарихий аҳамиятга эга ислохотлар амалга оширилмоқда. Улар жамиятимиз тинчлик-осойишталигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадларга қаратилган. Жумладан, жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилиги жиддий ислох қилиниб,

суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Умумиюрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Бу фуқаролик ва жиноят ишларини малакали кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлди.

(Давоми 4-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

2014 йил 20 сентябрь

XXXVI/I-сон

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги 2014 йил 11 сентябрдаги 614-сонли қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши:

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида"ги 614-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида – 21 декабрь кунини ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг раиси ва ўн тўрт нафар аъзолари иловага мувофиқ тасдиқлансин (рўйхат илова қилинади).
4. Вилоят сайлов комиссияси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-уйда (Тошкент вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси биносидан) жойлаштирилсин.
5. Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи ҳар бир сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 31,8 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси А. УСМОНОВ.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНДАН ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАШДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

2014 йил 20 сентябрь

XXXVI/II-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси бўйича Тошкент вилоятида муқобил энергия манбалари – қуёш, биогаз ва бошқа турдаги энергиялардан фойдаланиш соҳасида салмоқли тажрибалар тўпланганлиги ва қатор илмий ишлар амалга оширилаётганини қайд этади. Жумладан, вилоятда кўплаб йирик саноат корхоналари ҳамда илмий текшириш институтлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Ангрен маҳсус индустриал зонаси ҳудудига, қисқа муддат ичида энергия тежайдиган диодли ёруғлик лампалари, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Тадбиркорлар ҳориждан янги техника ва технологиялар келтириб, ўз маҳсулотлари сифатини, харидорлигини оширишмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ИЖРОСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

2014 йил 20 сентябрь

XXXVI/III-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари"га бағишланган йиғилишида Президентимиз томонидан бир қатор вазифалар ва топшириқлар ижросини таъминлаш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР

XXI аср – глобаллашув асри сифатида инсоният тарихининг янги даврини очмоқда. Зотан янги юз йиллик ва янги минг йиллик оstonа-сида туриб, жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнлари кескин ўзгараётган ва инсон тафаккури бутунлай янгиланаётган, манфаатлар умумийлиги юз бераётган даврни бошдан кечираяпмиз. Бугунги дунёда бир халқ, бир мамлакат ўз ҳудуди доирасидагина яшаш билан чекланмайдиган. Аксинча, дунё халқларини манфаатлар муштараклиги бирлаштирмоқда. Ҳар қандай "хусусий" муаммо барча учун бирдай тегишлилик моҳиятини касб этмоқда. Умумий тақдир ва умумий истикбол тушуначалари тобора чуқурлашиб бормоқда.

(Давоми 4-бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгаши ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ
МАНБАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ВА УНДАН ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ
ТЕЖАШДА КЕНГ ФОЙДАЛАНИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти кенгаши ташаббуси билан "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонасида давлат гранти доирасида биогаз қурилмасининг намунавий кичик варианты уй-жой шaroитида тайёрланиб, синаб қўрилган. Шунингдек, биогаз қурилмасини маҳаллий саноат асосида ишлаб чиқариш мумкинлиги "Ихлос Бизнес Барака" хусусий корхонасининг лойиҳаси асосида "Olmaliq metall Konstruksiya" МҲЗ корхонаси билан ҳамкорликда синавдан муваффақиятли ўтказилган. Ушбу инновацион лойиҳа, оқар сувда ишлайдиган микроГЭС қурилмаси ҳамда пролиз гази олиш лойиҳалари "Инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар" V-VI-VII республика ярмаркаларида ҳамда республика, вилоят саноат ярмаркаларида намойиш этилди ва корхона, тадбиркор ва фермерларда катта қизиқиш уйғотган.

Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва фойдаланишни ривожлантириш бўйича тарғибот-ташвиқоти кенг микёсда ташкил қилиб, партиянинг сиёсий кенгаши ва "Ўзбекэнерго" ДАК томонидан 2013 йил ўтказилган "Муқобил энергиянинг энг фаворит тарғиботчи" республика кўрик-танловининг ғолиби бўлган ва ғолиблик совғаси кўш ёрдамлари билан "Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари" номли илмий-оммабоп қўлланмани чоп этган. Ушбу қўлланма вилоятдаги шу масалага қизиққан тадбиркор, фермер ва уй ҳўжалиги эгаларига тарқатилган.

Таъкидландики, вилоят заминида муқобил энергия манбаларини жорий этиш учун катта имкониятлар мавжуд бўлиб, бу органик ёқилғи ресурсларига нисбатан бирмунча қулай ва арзон. Вилоят иқлим шaroитига кўра, йилнинг 300 кундан ортиғи кўш, шамол эсидиган ҳудудлар, шунингдек, қўлаб оқар сувлар мавжуд. Улардан электр энергия ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Вилоят шaroити учун кўш ресурслари, кичик гидротехник, шамол ресурслари, биомасса энергияси долзарб ҳисобланади. Улар вилоятнинг чекка ҳудудларида жойлашган, тоғли ва бориш йилни бўлган аҳоли пунктлари учун ягона иқтисодий асосланган, ҳаммабоп энергия манбаси бўлиши мумкин. Ундан ташқари, иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти учун паст потенциалли қурилмалар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини

Халқ депутатлари Тошкент вилояти
Кенгаши раиси

А. УСМОНОВ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ВИЛОЯТ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИ

Вилоят сайлов комиссиясининг раиси

1. Абдушохидов Убайдулла Ҳикматович – "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари бош муҳаррири

Вилоят сайлов комиссияси раисининг ўринбосари

2. Маркаев Зокри Эшқулович – Тошкент Давлат аграр университети кафедра мудири

Вилоят сайлов комиссияси котиби

3. Шаймардонов Норсат Расулович – Вилоят касб-хўнара таълими бошқармаси раҳбар ва педагог кадрларни танлаш ва уларнинг маълумоти ошириш шўъбаси мудири

Вилоят сайлов комиссияси аъзолари

4. Бобкулов Сирожидин Сунонович – Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари

5. Парпиев Убайдулла Аппакович – Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари

6. Рустамова Нигора Соҳибжоновна – Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси

7. Худойбердиев Фуқрат Абдулсоломович – Вилоят молия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

8. Холмуродов Абдумажид Абдураимович – Вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари

9. Тоирбеков Камол Қизилбекович – Вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлигининг ўринбосари

10. Ҳамзаев Улуғхўжа Мирзаевич – Вилоят Касаба уюмлари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

11. Адиллов Азиз Қучкарович – Вилоят ҳокимлиги ҳуқуқшуноси

12. Усмонов Зайниддин Нуриддинович – Вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари харақатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти бошлигининг ўринбосари

13. Низамов Азиз Кабилжонович – "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки вилоят филиали бошлиғи

14. Гулямов Зиёдулла Убайдуллаевич – Вилоят солиқни сақлаш бошқармасининг даволаш бўлими бош мутахассиси

15. Худойбергенов Алишер Ўтқурович – "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали бўлим бошлиғи

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши
ҚАРОРИТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИНГ 2014 ЙИЛ
БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИК ИЖРОСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент вилояти бўйича 2014 йил 1-ярим йиллик учун бюджетга солиқлар ва тушумларнинг тасдиқланган режа-кўрсаткичи 665663,0 млн. сўмга белгиланган бўлиб, ҳақиқатда эса 694343,8 млн. сўм, яъни аниқланган режага нисбатан 101,5 фоизга бажарилган. Ҳудудлар кесимида ҳам барча туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлар прогноз режаси бажарилишини таъминладилар.

Маҳаллий бюджетнинг харажатлар қисмининг тасдиқланган режаси 696399,0 млн. сўмни ташкил қилиб, ҳақиқатда ижроси 654763,0 млн. сўмга ёки тасдиқланган режага нисбатан 94,1 фоизга бажарилди. Жумладан, 1-групп харажатларига 460277,8 млн. сўм ёки тасдиқланган режага нисбатан 98,1 фоизга бажарилган, шундан бюджет мусассасалари ходимларининг иш ҳақини тўлаш харажатларига 431119,1 млн. сўм (тасдиқланган режага нисбатан 98,2 фоизга) ва ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатларига 29158,8 млн. сўм (тасдиқланган режага нисбатан 97,6 фоизга) касса харажатлари амалга оширилган. Иш ҳақидан ажратмаларга, яъни 2-групп харажатларига 105575,9 млн. сўм (тасдиқланган режага нисбатан 97,8 фоиз) касса харажатлари амалга оширилган. Капитал қўйилмаларни молиялаштириш, яъни 3-групп харажатлари 1-ярим йиллик давомида 23531,5 млн. сўм касса харажатлари амалга оширилган бўлса, бошқа харажат турлари, яъни 4-групп харажатларига 65377,6 млн. сўм касса харажатлари амалга оширилган.

2014 йил ўтган даври мобайнида икки ёшгача болалари бўлган оналарга 20894,6 млн. сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилган, шу билан бирга 11387 нафар икки ёшгача болалари бўлган оналар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларига аризалар билан мурожаат қилиниб, 9302 нафарига нафақа пуллари тайинланган бўлган ва 2085 нафар оналарнинг даромадлари белгиланган нафақа тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли нафақа пули тайинланиши рад қилинган.

Ўтган давр мобайнида 14 ёшгача фарзандлари бўлган оналарга 6220,6 млн. сўмлик нафақа пуллари молиялаштирилган. 14 ёшгача фарзандлари бўлган 12141 та оналар томонидан 14 ёшгача фарзандлари бўлган оналарга нафақа пуллари тайинланишини сўраб мурожаат қилинган бўлиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги нафақа тайинлаш комиссиясининг ҳулосасига асосан 10037 та оналар нафақага мўхтож деб топилган бўлиб, уларга нафақа пули тайинланган бўлган ва нафақа пули тайинланишини сўраб мурожаат қилган 2104 та оналарнинг ўртача даромадлари белгиланган нафақа тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли нафақа пули тайинланиши рад қилинган.

Кам таъминланган оналарга моддий ёрдам учун ҳисобот даврига жами 2043,5 млн. сўм тўлаб берилган бўлиб, жами моддий ёрдам пули тайинланишини сўраб 3832 та оналардан аризалар қабул қилиниб, шулардан 2813 нафари моддий ёрдамга мўхтож деб топилган ҳамда нафақа пуллари тўлаб берилган, 1019 та оналарнинг даромадлари моддий ёрдам тайинлаш мезонидан юқори бўлганлиги сабабли моддий ёрдам пули тайинланиши рад қилинган.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетнинг ажратилган мақсадли маблағлари тўғрисида маълумот

2014 йил 1 январь ҳолатига вилоят маҳаллий бюджетда шаклланган эркин қолдиқ маблағлари 9456,3 млн. сўмни ташкил этиб, 2014 йил 1-ярим йилги давомида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Давлат дастурларида кўрсатилган тадбирларга иқтисодиётнинг турли соҳаларига 9443,0 млн. сўм йўналтирилди ва 13,1 млн. сўм қолдиқ қолган.

Эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан қуйидаги мақсадларга:

– Оҳангарон тумани ҳокимлигига Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтувчи "Ангрен-Поп" темир йўли қурилиши учун Саридала ва Қўсарой аҳоли яшаш жойларида бўзилишга тушган уй-жой эгаларига тоvon пуллари тўлаш учун 685,7 млн. сўм;

– вилот ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига Бўстонлиқ тумани Хожикент ҚФЙ "Қоранқўл" маҳалласида қурилатган намунавий уй-жойларни сел тошқинларидан ҳимоя қилиниши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш харажатлари учун 171,8 млн. сўм;

– Уғом-Чотқол Давлат миллий табиат боғига "Қайнарсой" қароргоҳи ҳудудини қўламазорлаштириш ишларига жами 932 та, яъни шундан 332 дона игна баргли, 150 дона манзарали дарахт ва 450 дона бута қўндаларини харид қилиш учун 410,7 млн. сўм;

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғаримасига 812,5 млн. сўм;

– Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимлигига туман марказидаги Муҳамедкулов ва Бегимкулов кўчаларининг топосурати

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни тайёрлаш учун ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 27,1 млн. сўм маблағ ажратилган.

Вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йил учун тасдиқланган захира жамғармаси 1 637,7 млн. сўмни ташкил этиб, 2014 йилнинг 1-ярим йилги давомида вилоят микёсидаги турли тадбирларни амалга ошириш, умуммиллий байрамларни нишонлаш учун вилоят ҳокимининг фармойишлари асосида жами 594,2 млн. сўм ажратилди. Жумладан:

– Маданият ва спорт ишлари бошқармасига "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шiori остидаги фестивални ташкил этиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун 25,0 млн. сўм;

– Вилоят Ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармасига "Баркамол авлод – 2014" спорт мусобақаларининг республика финал босқичларига Тошкент вилоятдан 10 та спорт тури бўйича қатнашувчи 101 нафар спортчиларни ушбу спорт мусобақаларига тайёргарлик қўриши учун ўтказилган қўв мушғулот йиғинларидаги харажатларини қоплаш учун 29,1 млн. сўм;

– вилот ҳокимлигига Тошкент вилояти ҳокимлиги номидан бизнес-форум иштирокчиларини оқватлантириш билан боғлиқ харажатлардан юзага келган кредитор қарздорлиқни қоплаш учун 18,0 млн. сўм;

– Вилоят Халқ таълими бошқармасига фуқароларнинг парваришига олган болаларга кийим-бош ва пойабзал харид қилиш учун 16,2 млн. сўм;

– вилот ҳокимлигига вилоят ҳокимлиги қошидаги "Компьютерлаштириш маркази" Давлат унитар корхонаси томонидан вилоят ҳокимлиги балансидаги компьютер ва оргтехника воситаларига 2014 йилда кўрсатилган хизматлари учун 52,0 млн. сўм;

– вилот ҳокимлигига Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масаласи бўйича Қирғизистон Республикаси делегациясининг Ўзбекистон Республикасига (Тошкент ш.) ташрифига тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун 3,8 млн. сўм;

– Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлимига маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлимлари штат бирикларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар учун 45,6 млн. сўм;

– Вилоят Ўрта махсус, касб-хўнара таълими бошқармасига "Баркамол авлод – 2014" спорт мусобақаларининг Наманган вилоятида бўлиб ўтадиган республика финал босқичида Тошкент вилоятдан қатнашувчи 102 нафар иштирокчиларни тегишли спорт кийимлари ва анжамлари билан таъминлаш учун 54,1 млн. сўм;

– вилот ҳокимлигига вилоят ҳокимлиги қабулхонасига янги эшик ва музлаткич харид қилиш учун 21,8 млн. сўм;

– Вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармасига ҳокимлик моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 1 дона компьютер жамламаси, 1 дона принтер ва 1 дона телефон аппарати сотиб олиш учун 3,6 млн. сўм;

– Янгийўл тумани ҳокимлигига 30 май куни бўлиб ўтган қучли шамол ва ёғингарчилик натижасида бир қатор кам даромадли аҳоли тураржойларига етказилган зарарни қоплаш, яъни уйларнинг том қисмига шифер сотиб олиш учун 64,9 млн. сўм;

– Чиноз тумани ҳокимлигига 30 май куни бўлиб ўтган қучли шамол ва ёғингарчилик натижасида бир қатор кам даромадли аҳоли тураржойларига етказилган зарарни қоплаш, яъни уйларнинг том қисмига шифер сотиб олиш учун 32,1 млн. сўм маблағ ажратилди.

Тошкент вилояти маҳаллий бюджет даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми маблағлари 4645,6 млн. сўмни ташкил этган бўлиб, 2014 йилнинг 1-ярим йилги давомида ушбу маблағлар ҳисобидан 4357,0 млн. сўм маблағ ажратилди. Жумладан:

– вилот ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига Инвестиция дастурига қўшимча киритилган қишлоқ аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш харажатларига 2000,0 млн. сўм;

– вилот ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига Зангиота туманида қўзи оғизлар учун 2 та қўв қаватли уйларнинг қурилиш ишларига 1000,0 млн. сўм;

– вилот ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компаниясига Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Бўстонлиқ ва Янгийўл туманларида вертикал дренажлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун 42,4 млн. сўм;

– Пискент тумани Ободонлаштириш бошқармасига Пискент тумани марказидаги "Митан" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi Мустақиллик кўчасини жорий таъмирлаш учун 59,8 млн. сўм;

– Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига Чирчиқ шаҳри, А. Навоий шўхчаси бўйлаб "Автомобиль" дўконидан вилоят Перинатал марказига бўлган масофа майдонлари геологик ҳамда топография хизматлари учун 36,4 млн. сўм;

– Тошкент вилояти педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини

ошириш институтига институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 36,8 млн. сўмлик маблағлар ажратилди.

"Марказлашган капитал қўйилмалар" маблағлари ҳисобидан бажарилган ишлар тўғрисида маълумот

"Марказлашган капитал қўйилмалар" маблағлари ҳисобидан 2014 йил Манзили рўйхатларга киритилган 86 та объектга жами 23407,4 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 14970,5 млн. сўмни, яъни лимитга нисбатан 64 фоизни ташкил қилади. Жумладан:

жойлардаги аҳоли яшаш пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича манзили дастурга киритилган 78 та объектда амалга оширилиши керак бўлган ишлар учун 11023,0 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 8269,8 млн. сўмни, яъни лимитга нисбатан 75 фоизни ташкил қилади;

Оҳангарон шаҳридаги "Муруват" эркалар уйини реконструкция қилиш учун 3917,6 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 2511,7 млн. сўмни, яъни лимитга нисбатан 64 фоизни ташкил қилади;

Бўстонлиқ туманидаги "Товоқсой" санаторийсини реконструкция қилиш ишлари учун 3727,2 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 2671,6 млн. сўмни, яъни лимитга нисбатан 72 фоизни ташкил қилади;

Ангрен МИЗ биносини қуриш ишлари учун 3000,0 млн. сўм миқдорда лимит ажратилган бўлиб, буюртмачи томонидан манзили дастур шакллантирилмаганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган;

қишлоқ ҳўжалиги техникаларини синавдан ўтказиш марказини реконструкция қилиш ишлари учун 500,0 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, молиялаштириш 372,5 млн. сўмни, яъни лимитга нисбатан 75 фоизни ташкил қилади;

вилот ҳудудида сел-тошқин, сув қирғоқларни мустаҳкамлаш ишлари учун 3 та объектга 1231,6 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, молиялаштириш 1144,4 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 93 фоизни ташкил қилади; 2013 йилда реконструкция қилинган Ангрен шаҳридаги Ҳарбий қаҳир ва йиғув пункти бўйича 5 фоизлик 8,0 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, буюртмачи томонидан манзили дастур шакллантирилмаганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган.

Бундан ташқари, Молия вазирлигининг билдиришномаларига асосан Бўстонлиқ туманидаги "Озодбўш" МХХ биносини реконструкция қилиш ишларига 1500,0 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 899,3 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 60 фоизни ташкил қилади;

вилотда ДПС ва ППС қурилиш ишлари учун 1530,8 млн. сўм маблағ ажратилган бўлиб, молиялаштириш 718,4 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 47 фоизни ташкил қилади;

Ўзбекистон ўқ отиш спорти Федерациясига қарашли "Ўқ отиш спорти комплекси"ни қуриш ва ЛСХ ишлари учун 250,0 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 129,2 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 52 фоизни ташкил қилади;

ПК-1167-сон қарорга асосан 2010-2012 йилларда қурилган массивларнинг ички йўл қурилиш учун 2000,0 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 1064,7 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 53 фоизни ташкил қилади; Бекобод шаҳар Пенсия биноси қурилиш ишлари учун 635,9 млн. сўм лимит ажратилган бўлиб, молиялаштириш 204,9 млн. сўм ёки лимитга нисбатан 33 фоизни ташкил қилади.

2014 йил 1-ярим йиллик давомида маҳаллий ҳокимликлар балансидаги умумфойдаланувдаги ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари, қишлоқ аҳоли пунктлари кўчалари ҳамда янги шаҳар типидagi посёлкалар автомобиль йўллари тўла ва жорий таъмирлаш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий мақориктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджетни параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-2099-сон ҳамда 2013 йил 6 августдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2020-сон Қарорларига асосан 2014 йилда вилоят маҳаллий бюджет параметрлари ҳисобидан ички йўллари таъмирлаш ишларига жами 14414,9 млн. сўм, шундан 12934,8 млн. сўм маблағ вилоятдаги ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункт кўчаларини таъмирлашга ҳамда 1480,0 млн. сўм маблағ янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари таъмирлаш ишларига ажратилиши кўзда тутилган. Унга асосан жами 105,7 км узунликдаги ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункт кўчалари

ри (94,4 км) ҳамда янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари (11,3 км) жорий таъмирлаш белгиланган.

Вилоятдаги ички йўллари таъмирлаш ишларига жами 14414,9 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан 12934,8 млн. сўм маблағ вилоятдаги ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари ва аҳоли пункт кўчаларини таъмирлашга ҳамда 14480,0 млн. сўм маблағ янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари таъмирлаш ишларига йўналтирилиши белгиланган.

Мазкур маблағлар доирасида барча туман ҳокимликлари томонидан жами 105,794 км узунликдаги 247 та объект кесимида дастлабки ҳамда якуний манзилли рўйхатлар ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилди.

Манзили рўйхатларга киритилган жами 105,794 км узунликдаги 247 та объектдан 94,447 км узунликдаги 214 та объект ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари, 11,347 км узунликдаги 33 та объект янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари сарасига қиради.

Бугунги кунда вилоятдаги ички йўллари таъмирлаш ишларига жами 10102,1 млн. сўм, шундан, ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари жорий таъмирлашга 9114,0 млн. сўм ва янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари жорий таъмирлашга 1006,0 млн. сўм аванс тўловлари амалга оширилди. Ҳақиқатда жами 11821,9 млн. сўмлик, шундан, ҳўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари бўйича 10655,0 млн. сўмлик ва янги шаҳар типидagi посёлкаларнинг ички йўллари бўйича 1166,9 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган.

"Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғарма"си маблағлари ҳисобидан 2014 йил Инвестиция дастурга киритилган 58 та объектга жами қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш учун 63334,4 млн. сўм лимитлар ажратилган бўлиб, молиялаштириш 39465,6 млн. сўмнинг лимитга нисбатан 56 фоизни ташкил қилади.

Жумладан, соҳалар кесими бўйича:

1) Халқ таълими объектлари бўйича Манзили дастурга киритилган умумтаълим мактаблари 32 тани ташкил этиб, шундан 14 та мактаб реконструкция, 18 таси мукаммал таъмирланиши белгиланган. Манзили дастурга мувофиқ ажратилган маблағ 25317,0 млн. сўмни ташкил этиб, шу давргача 17474,5 млн. сўм маблағ молиялаштирилган, режага нисбатан 64 фоизни ташкил қилади.

2) Ўрта-махсус касб-хўнара объектлари бўйича манзили дастурга киритилган 13 та коллежда, шундан 3 та реконструкция ҳамда 10 та капитал таъмирлаш бўйича 2014 йилги Манзили дастурга мувофиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 11232,3 млн. сўм режалаштирилган бўлиб, шу давргача 8947,8 млн. сў

Маънавият

Бир қарашда миллий кадрлар, аъёналар ва маданият зур бериб ҳимоя қилиш ҳудди шовинизм, миллатчилик ва ирқчиликке туюлади. Бугунги дунёни фақат ўзаро соғлом мулоқот, бир-бирини тўғри тушуниш маданияти асраши мумкин. Бир-бирини тинглаш ва тушуниш маданияти инсон ҳаётини уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига ўтказадиган ғоятда мураккаб ва айнаи пайтда эҳтиёжга айланган тарихий ҳодисадир. Ғоятда кучли курашлар, ҳарбий асрашлар ва ҳарбий қудрат билан зўравонлик қилиш, қолаверса, буюк давлатчилик шовинизми таҳдиди ҳозирги замон цивилизацияси нуктаи назаридан ибтидоий ҳодисага айланди.

Маданиятлараро интеграция – дунёни янгилашга, инсоният тафаккурини бойитишга, унинг маданий савиясини оширишга хизмат қиладиган улкан ижтимоий-тарихий ҳодиса. Биз жаҳон цивилизациясидан орта қолмаслигимиз, ҳеч бўлмаганда у билан баравар юришимиз, унинг ютуқларидан фойдаланишимиз ва, ҳатто, ўз ютуқларимиз билан замонавий цивилизация тажрибаларини бойитишга интилоғимиз лозим.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислоҳот

ФУҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Бугунги кунда фуқаролар биринчи инстанция судининг қарори ёки ҳукмидан норози бўлсалар, ҳуқуқ ва манфаатларини апелляция ва кассация инстанциясида ўз адвокатлари иштирокида ҳимоя қилиш имкониятига эга. Жорий этилган янгиланган биринчи инстанция судлари йўл қўйган ҳаётларни ўз вақтида тузатишни ҳамда суд фаолиятида сансалорликка йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

Шунингдек, иқтисодий соҳадаги жиноят ишлари бўйича қамқов ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жараима шаклидаги санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди. Жиноий жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш жазоси ҳам чиқариб ташланди. 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун асосида жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Натижада оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазма

ОЗОД ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ ВА НАВҚИРОН ТАЛҚИН

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида ёш рассомларнинг Соғлом бола йилига бағишланган асарлари кўргазмаси очилди. Унда К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Архитектура ва куралиш институти, Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари ҳамда Республика рассомлик коллежи ва лицей ўқувчилари, ёш ўқитувчилар қатнашмоқда.

Экспозициядан тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналиш ва жанрларига оид 300 дан зиёд асарлар ўрин олган. Мавзулари хилма-хил асарларда юртимизнинг гўзал табиати, наторморларда тасвирланган ноз-неъматлар, замонашлар портретлари, қадимий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, урф-одатлар, миллий кадриятлар, тарихий тураржой ва кўчалар, янги қурилган замонавий бинолар тасвири акс этган. Кўргазмада, шунингдек, 2012-2014 йилларда яратилган "Оқтош", "Оқтош манзараси",

Бирок, бундан миллий хусусиятларимизга, аъёналаримизга, турмуш тарзимизга эид бўлган маданиятни олиб кириш мумкин деган фикрга бормаслигимиз керак.

Маданиятнинг миллий ўзига хослиги маълум бир миллат-

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЁШЛАР

нинг моҳияти, унинг асрлар қаъридан етиб келган кадриятларидир. Миллий маданият тушунчаси орқали биз асрлар синовидан ўтган, ўтмиш тажрибаларини ўзлаштирган ва айнаи пайтда ҳозирги замон маданий тажрибалари асосида ўзини бойитиб бораётган жараёни тушунамиз. Бу бевосита тақдирини бойитишга, унинг маданий савиясини оширишга хизмат қиладиган улкан ижтимоий-тарихий ҳодиса. Биз жаҳон цивилизациясидан орта қолмаслигимиз, ҳеч бўлмаганда у билан баравар юришимиз, унинг ютуқларидан фойдаланишимиз ва, ҳатто, ўз ютуқларимиз билан замонавий цивилизация тажрибаларини бойитишга интилоғимиз лозим.

Маданиятлараро интеграция хусусида гапирар эканмиз, турли маданиятлар ва урф-одатларнинг одамлар ҳиссиётига тез таъсир қилишини жиддий

тарзда назарда тутиш ва назорат қилиш лозим. Чунки инсон табиатан қанчалик ахлоқли, тарбияли бўлмасин, у шунчалик енгил яшашга, роҳат-фаҳриятга мойил. Шу мойиллик инсоннинг қушандасига айланиши табиий. Чунки, у фази-

латлар ривожланишидан кўра, иллатлар ривожланишини енгиллаштиради. Президент И. Каримов "Аслида менинг назаримда, одамнинг қалбида икки куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлаш лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ", деганида инсон феноменидаги шу фожиавий иллатларни назарда тутган эди. Инсон қонидаги худбинлик, манфаатпарастлик, енгил ҳаётга иштиқандлик, осон йўл билан фаровон яшашга эҳтиёжнинг қучилиши, нафсининг чексизлиги текин бойликка тез

сотилиш имконини беради. Ҳар қандай эркин, демократик жамиятда инсон қанчалик озод ва хур яшамасин, у маънавий-ахлоқий меъёрлар, қонун белгилаб берган чегара доирасидаги озод ва дахлсиз бўлиши мумкин. Бу бугунги дунё

маърифатини, маданиятини белгилайдиган бебаҳо кадриятдир.

Маълумки, ҳар қандай санъат асари миллат руҳининг кўзгу-си, қалб тугўнлари ва ҳис-туйғуларининг ифодаси. У айнаи шу жиҳати билан кадриятга айланади. Кадриятлар эса ҳамма вақт моддиятдан устун туради, муқаддас ҳисобланади. Афсуски, бугун қўшиқчилик санъати баъзан моддий эҳтиёжлар мезонига, нафси қондириш оми-лига айланиб қолмоқда. Бу, айниқса, аҳолисининг қарийб 60 фоизи ёшлар ва болалардан иборат Ўзбекистондаи мамлакатда ғоят хатарли, миллат истиқболига таҳдид солувчи ҳодиса эмасми?

Балки бугунги миллий эстрадамининг "эксперимент"лари

кимлар учун зарурдир. Умуман, ҳар қандай тараққиёт тажрибалар асосига қурилади, улар туфайли такомиллашиб, кадриятга айланади. Бирок, бундай тажрибалар дастлаб айнаи шу йўналиш ишқибозлари тўпланган махсус аудиторияда синовдан ўтказилиши, оммавий минбарларни эгаллаб олиб, бир неча минг йиллик аъёналаримизни, маданиятимизни, санъатимизни оёқости қилмаслиги керак. Шу ғоят оғрикли масала хусусида гапирар экан, "Маънавият, мафкура борасида четдан кўр-кўрона нусха кўчириб, бирон натижага эришиб бўлмайди, чунки бизнинг дунёқарашимиз, халқимизнинг тафаккури, турмуш тарзи ниҳоятда ўзига хослиги билан ажратиб туради", деган эди Президентимиз.

Мустақилликнинг ўтган даврида жаҳон маданиятининг энг сара намуналарини ўзлаштириш орқали биз ўз имкониятларимизни, миллий қиёфамизни намояндалаштирдик. Ана шу ўзига хослик, миллийлик бизга ажодлардан муқаддас мерос, умуминсоний бойлик сифатида асралмоғи, ёшлар эса унинг тўлақонли вориси бўлмоғи керак.

Нарзулла ЖўРАЕВ.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Хурсаной Пўлатованинг ўқитувчилик фаолияти мустақиллик йилларида рўйбга чиқа бошлади. 1997 йилдан бун Бўка туманидаги 2-умумтаълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ўз услуби ва маҳоратини шакллантира борди. Унинг синф хонаси янги, замонавий технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган.

Изланувчан мураббий вилот семинарларида очик дарсларини мунтазам намойиш этиб келаяпти. Шу билан бирга мактабдаги маънавий-маърифий ишларнинг фаол тарғиботчиси ҳам.

Унинг синфиди аълочи, қобилиятли, истеъдодли болалар кўп. Устознинг ҳар бир сўзи ўқувчилар диққат-эътиборини тортади. Шу боис шогирдлари ҳам ўзи билан ёнма-ён бир жамоада меҳнат қилишади. "Устоз-шогирд" аънаъаси ичизл давом этмоқда.

– Хурсаной опа мактабимиз фахрига айланган, – дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Марғуба Тошбоева. – Айниқса, ёш мута-

БЎКАЛИК «ШАКАР ОПА»



хассисларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатади.

– Хурсаной опадан кўп нарсаларни ўргандим, – дейди устознинг шогирдларидан бири, бошланғич синф ўқитувчиси Марҳаб Кўзиева. – Ҳар бир ўқувчига ўз фарзандиди қарайдилар, ҳамкасб-

ларидан ҳам ёрдамларини аялмайдилар.

Дарвоқе, Хурсаной Пўлатовани мактаб болалари: "Шакар опа" дейишади. Бунинг боиси барчага бирдек самимий ва меҳрибонлиги, ширин сўзлгидир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Ҳаёт сабоқлари

Қишлоқнинг шуниси қизик-да, яхши гап ҳам, ёмон ҳам ҳар бир зумда таркайди. "Ёрмат туж-жор уйига қайтибди" деган гап ҳам дайди ота оиласи билан ҳали тузукроқ кўришишга улгурмай, бутун қишлоққа ёйилди.

Шаҳарда, ҳатто, битта "дом"да яшовчи қўшнлар ҳам бир-бирини танимаслиги мумкин. Лекин қишлоқда бировнинг эчкиси тугса ҳам, албатта, йўқланади. Ёрмат ака сингари бошвоғи бўш дайдинлар икки-уч йил аллақайси гўрларда санғиб қайтса ҳам бориб кўнгил сўраш фарз.

Менику бориш ниятим йўқ эди, аммо қўшним тушмагур қўймади. "Маҳалладошимиз ахир, эртага кўз-кўзга тушса, нима деган одам бўламиз", деб қистаб туриб олди.

Бордик. Узун-қисқа бўлиб дарвозадан ҳатладик. Ёрмат аканинг аёли – Ҳалима опа ҳовлида ивирсиб юрган экан, бизни кўриб, ўлганининг кунидан тиржайиб, эри ўтирган хонага шунчаки мулозамат учун тақлиф қилди. Кирдик. Лекин...

Оёғим торتماгани бежиз эмас экан. Тижоратдан келиб турган мўмай пуллар семиртирган, чертса юзидан қор тома-

диган Ёрмат ака таниб бўлмас аҳволда – мушукнинг боласидек, бир бурда бўлиб ўтирибди. Қилган бемаза ишларидан энди ор қилапти шекилли, юзимизга қаролмай, боши эгик. Бундай аҳволда гап-гапга қовушармиди. Қандай совуқ алфозда кирган бўлсак,

– башанг. Овқатни энг номи чиққан емаҳоналарда танлаб ёйди. Аммо, аёли Ҳалима опанинг битта қўлаги икки-дўрт бўлганини ҳеч ким кўрмади. Уй-жой, девортошга қараш йўқ. Болачака ҳам қозоннинг дуруст қайнашидан андармон холос.

Ҳуллас, қариб қуйилмаган, келин-куёвли капатта одам уч-тўрт йил йўқ бўлиб кетиб, охирида афтода аҳволда қайтиб келди. "Бирни кўриб фук қил, бирни кўриб шукр қил" деган уларди шу бўлса керак. Ўша уздабурон аёл Ёрмат тужжорни эзилиб пишган анжирдек шимиб, "пўсти"ни туфлаб ташлаган экан, қайтганидан сўнг кўп яшамади...

Самад ЙЎЛДОШ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги	Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ	Маънавият: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru	Телефонлар: Қабулхона: Бўлим муҳаррирлари ва муҳбирлар: Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЎДУЛЛАЕВ Навбатчи Нуршода ТУРСУНБОВА Саҳифаловчи Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ
--	--	---	---	--	--	---

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-957.

Адади 8443.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.